

“ЕВРО - 2020” чемпионатидаги энг яхши 5 мусулмон футболчи



09:00 / 16.07.2021 2449


2021 йил 11 июнь куни бошланган футбол бўйича Европа чемпионати тобора жадал қизғин тус олиб, бутун дунё бўйлаб томошабинларни ўзига жалб қилмоқда. Шу муносабат билан “Евро - 2020” майдонларида тўп сураётган энг муваффақиятли мусулмон футболчилари бешлигини туздик. Булар:

1. Пол Погба (Франция)
2. Нъголо Канте (Франция)
3. Илкай Гундоган (Германия)
4. Антонио Рудегер (Германия)

5. Хоқон Чалханўғли (Туркия)

Улар ҳақида қуйида батафсилроқ сўз юритсак:

Image not found or type unknown



1. Пол Погба (Франция)



Пол Погба Европадаги енг таниқли футболчилардан бири. 28 ёшида у футболчилик фаолиятида катта ютуқларга эришди, жумладан, Франция терма жамоаси билан 2018 йилда Россияда бўлиб ўтган ФИФА Жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Аммо кўплаб мукофот ва унвонларга эга бўлишига қарамай, Ислом динига риоя қилиш унинг шахсияти, кучли характери ва меҳнатсеварлигини шакллантиришга катта таъсир кўрсатган ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Погба Ислом ҳақида: “Мен учун Ислом бу барча орзу умидимдир. Бу менга ҳамма нарсадан миннатдор бўлишга ундайди. Ислом мени ўзгартиришга, ҳаётдаги кўп нарсаларни тушунишга мажбур қилди. Ўйлайманки, бу мени хотиржам қилади. Ислом ҳамма кўрадиган терроризм қиёфаси эмас. Биз оммавий ахборот воситаларида эшитган нарсалар аслида бошқа нарсадир. Бу ажойиб нарса. Ўзингиз кўришингиз мумкин. Ҳар ким ўзини Ислом билан муносабатини ҳис қилишини англаши мумкин.

Бу менинг ақлимни бойитган ва мени яхши одамга айлантирган дин. Мен нариги дунё ҳақида кўпроқ ўйлай бошладим. Ислом инсониятга ва бошқа ҳамма нарсага ҳурмат билан қарашдир”.

Image not found or type unknown



Нъголо Канте – Европанинг энг яхши футболчилардан бири, “Челси” жамоаси ярим ҳимоячиси – 1991 йил 29 мартда Парижда камбағал ва оддий африка оиласида дунёга келган. У туғилишидан 11 йил олдин,


Кантенинг ота-онаси яхши ҳаёт кечириш илинжида туғилган Мали шахрини тарк этиб, Францияга кўчиб келишган.

Унинг ғалаба ва мўмайгина даромадларига қарамай, Нъголо Кантенинг барча дўст ва танишлари ҳар доим бу ажойиб футболчи камтарин ва ҳатто уятчан йигит эканини таъкидлашади. Баъзида у ҳаттоки муносиб кубок – Жаҳон кубогини олишдан олдин ҳижолат бўлганида 2018 йилги чемпионатда бўлгани каби ўз ғалабаларини жамоада нишонлашдан ҳам тортинган.

У ҳар доим ўйнаган ҳар бир жамоанинг футболчилари орасида ҳурмат қозониши мумкин эди ва кўпчилик уни ҳақли равишда Ердаги энг меҳрибон инсон деб билади. Унинг пуллари умуман бузилмаган ва у ҳеч қачон ўз бойлигини кўз-кўз қилмайди ва у машғулотларга ўз имкониятига мос келадиган ҳашаматли машинада эмас, балки эски мини Куперда ёки ҳатто пиёда ҳолатда келади. У ўз маблағларининг катта қисмини ўзи ўсган, ҳаттоки камбағалроқ оилаларнинг болаларига ёрдам бериш учун хайрия маблағларига сарфлайди, шунингдек, бутун дунё бўйлаб касал болаларни даволашга катта маблағ сарфлайди. Ажабланарлиси, у ҳақида бундай хайр-эҳсонлари тасодифан маълум бўлди ва Нъголо Канте ўзи хайрия фаолиятини реклама қилишни зарур, деб ҳисобламайди.

Канте мушоҳадали мусулмон йигити. У Макка Мукаррамага бориб, бир неча бор ҳаж қилган ва Рамазон ойидаги футбол учрашувларида жисмоний фаолликка қарамай, рўза тутишни тарк этмайди. Шундай қилиб, 2021 йилда Канте рўза ҳолатида "Челси" ни Чемпионлар лигаси финалига олиб чиқди.

Image not found or type unknown



Илкай Гюндоган – келиб чиқиши турк, у "Манчестер Сити" клуби ва Германия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси, 1990 йил октябрь ойида Германиянинг Гелзенкирхен шаҳрида туғилган.


2011 йилдан бери Германиянинг "Боруссия" Дортмунд клубида ўйнаб келмоқда. Бу вақт ичида у чемпионлик унвонини қўлга киритди, жамоа билан Чемпионлар Лигаси финалига қадар етиб борди, шунингдек, Германия Суперкубогини икки марта қўлга киритди. Гюндоган УЕФА Чемпионлар Лигаси финалида "Боруссия" нинг ягона голига муаллифлик қилди. 2016 йил 2 июнь куни футболчи 27 миллион евро эвазига "Манчестер Сити" га кўчиб ўтди. Ҳозирда Гюндоган Германия терма жамоаси сафида "Евро-2021" чемпионати ўйинларида қатнашмоқда.

Илкай Гюндоган Дортмунднинг "Боруссия"сида ўйнаган пайтида баъзилар унга нисбатан ирқчилик ҳолатлари ҳақида гапирарди.

"Дортмундга келганимда, мен ҳамма нарсага тайёрман деб ўйлардим. Мен ноҳақ эдим. Мен нима бўлганини ҳеч қачон унутмайман. Мен шаҳарда квартира қидириб юрган эдим ва бу одамларнинг: "Унинг фамилиясини кўрганмисиз? Гюндоган, туркча. Сиз ҳақиқатан ҳам бунга қодир деб ўйлайсизми?", деган сўзларини эшитдим. Аммо мен уларга футболчи эканлигимни айтишим билан, уларнинг оҳанглари бутунлай ўзгарди: "Эҳ жаноб, илтимос, кининг, бир кўз ташланг". Ва бу одамлар ўзлари муҳожирлар эди!

Одамлар менга немис тилида яхши гапиришимдан ҳайратда қолишганини айтишди. Мен жавоб бердим: "Хўш, мен Германияда улғайганман. Агар бу тилда гаплашмасам ғалати бўлар эди". Худди шу нарса тескари йўналишда ҳам содир бўлди. Менинг ота-онам турк. Мен ҳам ўзимни турк деб биламан. Аммо баъзи турклар "сен туркмисан?" Мен иккала мамлакатга ҳам тегишлиман, лекин баъзида улар орасида қолгандек бўламан. Баъзилар мени бутунлай немис эмас деб айтишади. Бошқалар эса улар умуман турк эмаслигини айтишади. Хўш, мен кимман? ", - дея Гюндоган Марса сўзларидан иқтибос келтиради.

Image not found or type unknown



Антонио Рудегер – немис футболчиси, "Челси" клуби ва Германия терма жамоаси ҳимоячиси. 1993 йил 3 мартда Берлинда туғилган. Унинг ота-онаси фуқаролар уруши авжида бўлган Сьерра-Леонедан Германияга

қочиб кетишлари керак эди.

Табиатан, Антонио фидойи ва ҳар доим эвазига ҳеч нарса кутмасдан бошқаларга ёрдам беришга тайёр. Қуйидаги воқеа уни жуда яхши характерлайди: бир марта, ёшлар ўйинида Руди рақибларининг бўш дарвозаси томон югурди ва гол уриши мумкин эди. Аммо бунинг ўрнига у узоқ вақт жамоадошини кутиб, унга тўпни берди ва кейин жамоадоши гол урди. Бунгача жамоадоши ҳеч қачон гол урмаган эди.

Антонио Рудегер афсуски, у ирқчиликни жуда қаттиқ шаклда бошдан кечириш имкониятига эга эди.


"Мени "нигга" деб аташган. Мен ҳар сафар тўпга текканимда, улар маймун товушларини чиқаришарди. Булар шунчаки бир нечта одам эмас, балки 2017 йилда Рим дербисида "Лацио" мухлисларининг катта сектори эди (ўшанда Антонио "Рома" да ўйнаган тахминан).

Бу биринчи марта мени ирқий ҳақорат қилиш эмас эди, лекин энг ёмони у ерда ҳақиқий нафрат бор эди. Сиз уларнинг кўзларини кўрганингизда бунинг тушунасиз. Бундай ҳолат юз берганд, футбол олами қандай муносабатда бўлади? Одамлар: "Оҳ, бу жуда даҳшатли", дейишади. Футболчилар ва клублар Инстаграмда қисқа хабарларни жойлаштирадилар: "Ирқчиликка йўл йўқ". Ҳамма худди бир иккита аҳмоқдек ҳаракат қилади. Тергов олиб борилмоқда, аммо ҳеч нарса бўлмайди. Вақти-вақти билан, ижтимоий тармоқларда катта акциялар мавжуд. Ва ҳар ким ўзини ажойиб ҳис қилади, кейин ҳамма нарса нормал ҳолатга қайтади. Ва ҳеч нарса ҳеч қачон ўзгармайди.

Айтинг-чи, нега матбуот, мухлислар ва футболчилар Суперлигани 48 соат ичида тўхтатиш учун бирлашдилар, аммо стадионда ёки ижтимоий тармоқларда аниқ ирқий зўравонлик бўлганида бу ҳар доим "мураккаб"? Эҳтимол, бу трибунадаги бир нечта аҳмоқлар эмасми? Балки ҳамма нарса чуқурроқ бўлганлиги учундир?", деб ёзди Рудегер "Ўйинчилар трибунаси"

нинг устунида.

Image not found or type unknown



Хоқон Чалханоглу 8 феврал куни Германиянинг жанубидаги Манхайм шаҳрида турк оиласида туғилган. Милан клуби ва Туркия терма жамоасининг ҳужумкор ярим ҳимоячиси.

Хакан чуқур оилавий одам. Унинг ўрнаги профессионал футболчи бўлган отаси. Унинг укаси Муҳаммад ҳам футболчи.

Футболчининг жуда ҳамжиҳат оиласи бор. У ҳар бир ўйин олдидан онасига қўнғироқ қилади. “Унинг овози мени рағбатлантиради”, дейди Чалханоглу.

Ҳокан Манхаймда туғилган бўлса-да, у доимо ота-онасининг туғилган қишлоғи – Байбуртга яқин бўлган. Ёзда жамоадошларининг аксарияти Ўрта ер денгизи бўйлаб ажойиб курортларга борганларида Хоқон оиласининг қишлоғига ташриф буюришни яхши кўради.

“Баъзи одамлар шаҳарларни яхши кўришади, аммо қишлоқда табиатдан яхши нарса йўқ. Шунинг учун бўш вақтимда у ерга бораман. Қишлоқ жуда чиройли ва мафтункор, мени қувонтиради”.

Илёсхон Аҳмедов тайёрлади